

**МАЪРИФАТЛИ ЖАМИЯТ САРИ: КИТОБХОНЛИК УМУММИЛЛИЙ
ҲАРАКАТГА АЙЛАНМОҚДА****Максуда Джуманиязова***Қорақолпоғистон Республикаси**Элликкаля тумани Ахборот кутубхона маркази директори*

Бугун глобллашув шароитида жамият тараққиётини белгилайдиган энг муҳим омил – инсон тафаккури ҳисобланади. Тафаккур эса мутолаа орқали шаклланади. Шу маънода китобхонликни давлат сиёсати даражасига кўтариш замон талаби эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 15 январда қабул қилинган PQ-9-сонли қарори мамлакатимизда маънавий ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Қарорда 2026–2030 йилларда аҳолининг китоб ўқиш кўрсаткичини йиллик ўртача 10 та китобга етказиш устувор вазифа сифатида белгиланди. Бу ҳужжатнинг энг муҳим жиҳати – китобхонликни тарғибот эмас, тизимли давлат механизми орқали ривожлантиришга қаратилганидир.

Қарорга мувофиқ, Ёшлар ишлари агентлиги ҳузурида “Китобхонлик маданиятини ривожлантириш жамғармаси” яъни, китобхонликни қўллаб-қувватлашнинг янги институти ташкил этилди. Мазкур жамғарма нафақат китоб мутолаасини тарғиб қилади, балки адабиёт соҳасида ижодий муҳитни ҳам рағбатлантиради.

Жамғарманинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- ёш ёзувчилар учун грантлар ажратиш ва асарларини нашр этиш;
- болалар адабиётини қўллаб-қувватлаш;
- хорижий адабиётларни ўзбек тилига ва миллий адабиётни хорижий тилларга таржима қилиш;
- истеъдодли муаллифларни молиявий рағбатлантириш;
- китоб нашри харажатларининг муҳим қисмини қоплаш.

Жамғарма фаолиятини мувофиқлаштирувчи васийлик кенгаши таркибига турли соҳалар вакиллари киритилгани унинг комплекс ёндашувга асосланганини кўрсатади. Жумладан, кенгашда Алишер Саъдуллаев, Умида Тешабоева каби соҳа етакчилари иштирок этмоқда.

Бу ҳолат китобхонлик сиёсати давлат, таълим, илм-фан ва жамоатчилик ҳамкорлигида амалга оширилаётганини англатади. Ҳамда, қарор ижроси доирасида барча вазирлик ва идораларда мутолаани рағбатлантиришнинг аниқ механизмлари жорий этилди.

Жумладан:

- ҳар бир соҳада касбий адабиётлар рўйхати шакллантирилди;
- хорижий профессионал адабиётларни ўзбек тилига таржима қилиш тизими йўлга қўйилди;
- ташкилотларда “Китоб бурчаги” ва “Китоб ўқиш соати” жорий этилди;

- китобхонлик ички рейтинги ташкил этилди;
- энг кўп китоб ўқиган ходим моддий рағбатлантирилади.

Бу чоралар китобни фақат шахсий қизиқиш эмас, балки касбий ривожланиш воситаси сифатида ҳам қаралаётганини кўрсатади. Шунингдек, Ёшлар сиёсатида мутолаа – устувор йўналиш ҳисобланади. Қарорда ёшлар китобхонлигини рағбатлантириш алоҳида эътибор марказида турибди. Талаба ва ўқувчилар ўртасида энг фаол мутолаачи ёшлар учун катта миқдордаги рағбат пуллари белгилангани бу борадаги давлат сиёсатининг амалий кўринишидир. Бу ёндашувнинг ижобий жиҳати – мутолаа интеллектуал нуфуз манбаи сифатида шаклланимоқда. Бу эса қарорнинг мазмунан маданий ташаббусдан кўра кенгроқ аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

- У:– маънавий барқарорликни таъминлайди;
- интеллектуал муҳитни шакллантиради;
 - миллий ўзликни мустаҳкамлайди;
 - билим иқтисодиётига хизмат қилади.

Энг муҳими, китобхонлик ижтимоий қадрият сифатида қайта тикланимоқда. Бу жараён жамиятда фикрлаш маданиятини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, давлат идоралари ва ташкилотларда “Китоб бурчаги”, “Китоб ўқиш соати”, китобхонлик рейтинги, энг кўп китоб ўқиган ходимларни моддий рағбатлантириш каби амалиётлар жорий этилди. Бу эса мутолаани шахсий қизиқишдан ижтимоий қадрият даражасига олиб чиқмоқда. Мазкур ислохотлар замирида жуда муҳим ғоя мужассам: китобхон жамият – барқарор жамият. Чунки китоб ўқиган инсон таҳлил қилади, мулоҳаза юритади, масъулият билан қарор қабул қилади. Бу қарор юртимизнинг чекка ҳудудларидаги аҳоли учун ҳам қувонарли янгилик бўлиб кириб келди. Хар бир янги китобни ўқиб тугатган кунини ёшлар байрам қилиб нишонлашни одат қилишга интиляптилар. Қорақолпоғистон Республикаси Элликкалья туманида ҳам ПҚ-9- қарорни кутубхоначилар соҳага берилган эътибор сифатида хурсанд бўлиб қабул қилаётганлари, китобхонлар эса берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилаётганлари бу юртимизнинг маънавий юксалаётганидан далолат беради. Қарор ижросини Республиканинг чекка ҳудудларидан бири Элликкалья тимсолида кўриб чиксак; Элликкалья тумани ахборот кутубхона маркази ҳозирги кунда Ахборот технологиялари техникумининг бўш турган биносида ижарада фаолият юритаётган бўлсада Туманда китобхонликни ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Элликкалья тумани ахборот кутубхона маркази томонидан аҳоли ва ёшлар ўртасида мутолаани оммалаштириш, рақамли хизматларни кенгайтириш ҳамда маънавий-маърифий муҳитни мустаҳкамлашга қаратилган тизимли лойиҳалар йўлга қўйилди.

Марказнинг расмий Telegram https://t.me/kutubxona_voice канали орқали онлайн “Заковат” интеллектуал ўйинлари, викториналар ва маърифий тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда. Аҳоли ва ёшлар учун компьютер технологиялари ҳамда интернетдан самарали фойдаланишга бағишланган семинарлар ташкил этилди. Шу билан бирга

PDF ва аудио форматда китоб етказиб бериш хизмати йўлга қўйилиб, адабиётга тезкор кириш имконияти яратилди.

Ижтимоий тармоқларда Youtube, Instagram va Veb Sayтларида шоир ва ёзувчилар ҳаёти ва ижоди, қизиқарли фактлар ҳамда китоблар ҳақида маълумотлар мунтазам эълон қилиб борилмоқда. Бу эса мутолаани замонавий ахборот муҳити билан уйғунлаштиришга хизмат қилмоқда.

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида кутубхона веб-саҳифасида “Хорижий адабиётлар кутубхонаси” рўқни ташкил этилди ва янги адабиётлар жойлаштирилмоқда. Бу ташаббус китобхонларнинг ахборот имкониятларини янада кенгайтди.

Туман ҳокими Валижон Ниязимбетов ташаббуслари билан кутубхона фонди янги адабиётлар билан бойитиб борилмоқда. Ахборот-кутубхона маркази фонди 10 773 номда 32 035 нусхадаги адабиётларни ўз ичига олади. Жумладан:

- ижтимоий-сиёсий фанлар: 1 305 ном, 4 400 нусха
- бадиий адабиёт: 6 659 ном, 16 347 нусха
- табиий ва аниқ фанлар: 373 ном, 1 628 нусха
- санъат ва спорт: 338 ном, 743 нусха
- филология: 1 277 ном, 6 272 нусха

Тиллар кесимида ўзбек (кирилл ва лотин), қорақалпоқ, рус ва инглиз тилларидаги адабиётлар мавжуд.

Марказ 15 410 нафардан ортиқ фойдаланувчини қамраб олган. 2025 йил давомида:

- 225 та маънавий-маърифий тадбир
- 51 та китоб тақдироти
- 46 та давра суҳбати
- 34 та танлов ва викторина
- 36 та ижодий учрашув
- 23 та бадиий-муסיқали кеча
- 25 та сайёр тадбир ташкил этилди.

Кутубхонага ташрифлар сони 107 916 тани, берилган китоблар сони 153 852 тани ташкил этди. Шунингдек Эллиққалъа туманида китобхонлик муҳитини янада мустаҳкамлаш мақсадида аҳоли ташаббуслари ҳам изчил қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, фаол китобсеварлар – Исмоилов Самандар ака, Тураева Тухташ она ва ёш китобхон Қаландарова Хулкарой хонадонида намунавий уй кутубхоналари ташкил этилиб, улар маҳалла ёшлари учун очиқ маърифат масканига айланди. Ушбу уй кутубхоналарида ёшлар мунтазам равишда мутолаа машғулотлари, адабий суҳбатлар ва китоб тавсиялари билан қамраб олинмоқда. Туманда китоб савдосини ривожлантириш йўналишида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Ҳозирги кунда 2 та йирик китоб дўкони аҳолига онлайн ва офлайн хизмат кўрсатиб, китобларни кенг оммага тезкор етказиб бериш имкониятини яратмоқда.

Шунингдек, туманда 71 та умумтаълим мактаби кутубхоналари фаолият юритмоқда. Техникумларда замонавий ахборот-ресурс марказлари ишлаб, ўқувчиларнинг билим олиш имкониятларини кенгайтирмоқда. Санъат ва мусиқа мактаблари ҳам ўз кутубхона фондлари билан ёш авлоднинг маънавий ва эстетик тарбиясига муносиб ҳисса қўшмоқда. Ўтган йили Ёш китобхон танловида Республика бўйлаб фахрли 3-ўринни эгаллаб 50 000 000 сўм миқдорда пул мукофотини 69-Мактаб ўқувчиси Қаландарова Хулқарой қўлга киритган бўлса, бу йил китобхонликни кенг тарғиб этиш борасида олиб борилаётган ишлар ёшлар ютуқларида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, тумандаги 70-сонли айрим фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган мактабнинг 9-синф ўқувчиси Соҳиба Каримбаева 2025 йил декабрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган “Жадидлар изидан” республика танловида ғолибликни қўлга киритди. Бу ютуқ, аввало, ёшлар орасида мутолаа маданиятини шакллантириш, тарихий мерос ва жадидлар ғояларини ўрганишга қаратилган тизимли ишлар самараси сифатида эътироф этилмоқда. Соҳибанинг муваффақияти китобга бўлган муҳаббат, изчил мутолаа ва маънавий изланишнинг амалий натижаси эканини кўрсатади. Қувонарлиси, ушбу ютуқнинг давоми сифатида унинг 2026 йил март ойида Германия давлатига таълим сафари режалаштирилган. Бу эса мутолаа инсон дунёқарашини кенгайтириши, билим салоҳиятини юксалтириши ва ёшларни халқаро майдонга олиб чиқишига яққол мисолдир. Бундай мисоллар туманда китобхонликни тарғиб этишга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини намоён этиб, ёш авлодни мутолаага ундаш, уларнинг интеллектуал ва маънавий камолотига хизмат қилмоқда. Зеро, китоб ўқиган ёш – келажак бунёдкори, китобхон жамият эса барқарор тараққиёт кафолатидир.

Бу каби ташаббус ва амалий ишлар туманда китобхонлик муҳитини кенгайтириш, аҳолининг мутолаага бўлган қизиқишини ошириш ҳамда маънавий тараққиётни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Юртимизда китобхонликни ривожлантиришга қаратилган ислохотлар, айниқса RQ-9-сон қарор асосида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, жамият маънавий ҳаётида янги босқични бошлаб берди. Мутолаа маданияти эндиликда фақат маданий эҳтиёж эмас, балки тараққиётнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда. Бу жараёнда давлат сиёсатининг изчиллиги, таълим тизимининг қўллаб-қувватлови ва жамоатчилик иштирокининг уйғунлиги айниқса аҳамиятлидир.

Китоб ўқиш инсоннинг фикрлаш доирасини кенгайтиради, маънавий иммунитетини мустаҳкамлайди ва ҳаётини қарорларни онгли қабул қилишга ундайди. Шу маънода китобхонлик – барқарор жамиятнинг интеллектуал пойдевори ҳисобланади. Илмга таянган, маърифатга интиладиган жамиятда тараққиёт узлуксиз ва мустаҳкам бўлади. Эллиққалъа туманида амалга оширилаётган ишлар шуни яққол кўрсатмоқдаки, мутолаа маданияти фақат тарғибот билан эмас, балки тизимли амалий фаолият орқали ривожланади. Кутубхона хизматларининг кенгайтириши, рақамли имкониятларнинг жорий этилиши, аҳоли ва ёшларни қамраб олган маърифий тадбирлар китобхонлик муҳитини мустаҳкамламоқда. Бу жараён нафақат билимли

ёшларни тарбиялашга, балки бутун жамиятнинг маънавий юксалишига хизмат қилмоқда. Китобхонликни оммалаштириш — бу келажакни барпо этиш демакдир. Чунки китоб ўқиган инсон ўзлигини англайди, миллий қадриятларни қадрлайди ва жамият равнақи учун масъулиятни ҳис этади. Ана шундай маънавий етук авлод камол тошган юртда барқарорлик, тараққиёт ва фаровонлик қарор топади.

Шу боис китобга меҳр қўйиш, мутолаани кундалик ҳаёт тарзига айлантириш ва ёш авлодни китобхонлик руҳида тарбиялаш — бугунги кундаги энг муҳим ижтимоий вазифалардан биридир. Зеро, китоб ўқиган жамият — ҳақиқатан ҳам барқарор жамиятдир.